

# АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ  
 ИЖТИМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА info@adolatgzt.uz www.adolatgzt.uz www.adolat.uz № 42 (1106) 2016-йил, 30-сентябр, жума

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги фидойилиги ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

#### «ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

**Мамашарипова Дилором Мухаммадиевна** — Оқдарё туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти  
**Фозилова Раъно Тўлагановна** — Чиноз туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

#### «ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

**Бозоров Абдуқоюм Каримович** — Балиқчи туманидаги 12-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти  
**Генжемуратова Гулсара Оралбаевна** — Қораўзак туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

#### «ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЕШЛАР МУРАББИЙСИ»

**Алимов Абдихамид Каримович** — Деҳқонobod туманидаги 89-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти  
**Ахадов Комилжон Яхйиевич** — Дусллик туманидаги 18-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти  
**Жураева Раҳима Бустановна** — Мингбулоқ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти  
**Қудаматова Гулжаҳон Абдурахмоновна** — Музработ туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти  
**Мирзаева Назира Усамановна** — Фаргона политехника институти қошидаги Ёрмозор академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти  
**Сайидова Насиба Саидуллоевна** — Қизилтепа энгил саноат касб-хунар коллежининг махус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти  
**Тошпулатова Матлюба Абдуганиевна** — Боёвут туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти  
**Хажиев Қувандик Садуллаевич** — Урганч автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежининг махус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти  
**Халимова Нурзода Олимовна** — Вобкент қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежининг махус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

#### «ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

**Шамирзаев Абдували Ташпулатович** — Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи  
 Ўртимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўқув жараёнига илгор педагогик технологияларни жорий этиш, чуқур билим ва касб-хунарга эга талабаларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

#### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ержанова Багдагул Аралбаевна** — Мўйноқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Давоми 2-бетда

## ➤ 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Жамият ҳаётида ҳар бир касбнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Аммо шундай бир соҳа борки, уларни барча бирдек улуғлайди, эъзозлайди. Бу ўқитувчи ва мураббийлик касбидир.

Ҳа, ўқитувчилар ва мураббийлар мамлакатимизда энг ардоқли, энг эҳтиромга лойиқ касб эгалари сифатида эъзозлангилар. Истиқлолнинг илк одамлариданоқ мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ҳар йилнинг 1 октябрь кунини «Ўқитувчи ва мураббийлар кунини» сифатида нишонлаш, ҳафтанинг қайси кунига тўғри келишидан қатъи назар, дам олиш кунига айлантириш тўғрисида фармон чиқарган эди.



## Муаллим — маърифат сарбони

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўлини таянлаши барча соҳаларда бўлгани сингари таълим соҳасида ҳам туб ислохотларни амалга оширишни тақозо этди. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда мазкур қонун қоидалари ва талаблари асосида ишлаб чиқилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилиши жуда катта аҳамият касб этди. Мазкур қонунга таълим-тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарихий тажриба, халқимизнинг узоқ йиллик давомидаги илмий ва маданий анъаналари ҳамда жамият ривожининг истиқболлари асос қилиб олинди. Ушбу қонун асосида 1997 йилга қадар республикамиз бўйича таълим му-

ассасалари янгича асосда ислох этила бошланди. Бу йилларда «Мактабгача тарбия», «Умумий ўрта таълим», «Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар», «Ешлар сиёсати оид» каби катор концепциялар ва дастурлар яратилди. Конституциямизнинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қаролатилиши белгилаб қўйилган. Давлатимизнинг таълим соҳасидаги сиёсати республикамиз ҳудудида яшаётган ҳар бир кишининг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири — замонавий билим олиши учун кенг имкониятлар яратишга қаратилган. Мамлакатимизда таълим тизими изчил ва улусқисдир.

Айни пайтда Қашқадарё вилоятида 158 та касб-хунар коллежлари ва 1121 та умум-

таълим мактабларида 10 мингга яқин ўқитувчи-педагогларимиз ўғил-қизларимизга таълим-тарбия бериб келмоқда. Бундан ташқари, ўнлаб болалар мусика ва санъат мактаблари, «Баркамол авлод» болалар ҳамда ахборот-ресурс марказлари, мактабдан ташқари таълим муассасаларида яна минглаб тарбиячилар, ўқитувчи ва мураббийлар ёшларга фан сирларидан сабоқ беришмоқда. Вилоят академик лицейи ва касб-хунар коллежларида таълим сифатини ошириш, ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида 2015-2016 ўқув йили давомида 200 га яқин таълим муассасасига методик ёрдам кўрсатилди. Педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун 19 та ўқув ва амалий семинарлар ўтказилиб, унда 1400 нафар ўқитув-

чи ва ишлаб чиқариш таълими усталари иштирок этди. Дарҳақиқат, юртимиз истиқболдор эгаларига бой, энг асосийси, бунга рўёбга чиқариш учун имконият, шароит етарли. Биз кўрмаган юртларни ўқувчиларимиз кўрапти, собиқ иттифок тузуми даврида поймол бўлган орзу-умидларимизни улар рўёбга чиқараяпти. Ўтган йили эндигина ўн беш ёшга тўлган ўқувчим — Саидали Муродуллоев Хитойнинг Чанг Чунг шаҳрида ўтказилган ёш математиклар халқаро олимпиадасида

Ўзбекистон терма жамоаси сафида иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни олди. Мана, сизга ўзбек болалари, мана, сизга мустақиллик фарзандлари... Дарвоқе, бундай иқтидорли, зукко ёшлар юртимизда илгари ҳам кўплаб топиларди. Аммо собиқ иттифок даврининг бикик, эртани кўра олмаслик сиёсати сабаб на ёшларнинг қобилияти кўриларди, на муаллимнинг қилган меҳнати.

➤

Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларининг ижтимоий таркибида энг катта улуш таълим ва фан соҳаси вакиллари ҳисобига тўғри келади. Хусусан, 2016 йил 1 июль ҳолатига кўра, партия аъзоларининг 23,6 фоизи таълим ва фан соҳасида фаолият юритмоқда.

## Сизга таъзимдаимиз, азиз устозлар!

Ўқитувчи, устоз, мураббий... Бу улуғ зотларнинг беиннат хизмати, машаққатли меҳнати, инсоний фазилатлари таъриффу тавсифи қаршида тиллар лолу сўзлар ожиз десак, муболага эмас. Инсоният онгу тафаккури шакланган илк даврлардан то бугунгача не не алломалар улар таърифини келтириб, адо этишолмади. Бир сўз билан айтганда, ёш авлодни, эл-юрт, Ватан келажагини тарбиялаш, жамиятга ҳар жиҳатдан баркамол, қомил инсонларни етказиб беришдек машаққатли касбни ардоқлаб келаётган устозлар ҳар қанча мақтов сўзлар, таъриффу тавсиф, эъзозу эҳтиромга муносибдирлар.

➤

## Муҳим сиёсий тadbирга

партиянинг ҳудудий ташкилотларида пухта ҳозирлик кўрилмоқда

### ➤ ПЛЕНУМ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги Пленумида партияимизнинг 2016 йил 4 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиб, жорий йилнинг 15 октябрида партиянинг навбатдаги Қурултойини чақириш белгилаб олинди. Шундан келиб чиқиб, 20-23 сентябрь кунлари ўтказилган Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгашларининг пленумларида ушбу муҳим сиёсий тadbирда муносиб қатнашиш учун ҳудудий ташкилотлар олдига турган долзарб вазифалар атрофлига кўриб чиқилди. Партия ҳудудий кенгашларининг мазкур пленумларида барча иштирокчилар мустақиллигимиз асосчиси, мамлакатимиз тараққиётининг раҳнамоси, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтириши.

➤

### ➤ МУҲАРРИР МИНБАРИ

## Шоҳсупага йўл Ватанга муҳаббатдан бошланади

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қилган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия уйинлари яқунлари мустақил мамлакатимиз шон-шухратини дунёга таратди десак, муболага бўлмайди. «Марамайдонда кўринар» деганларидек, вакилларимиз тенгсиз беллашувларда ўзлари-

нинг маҳоратларини намойиш этиш билан бирга, халқимизга хос жасорат ва матонат, ҳалоллик, рақибга ҳурмат намуналарини кўрсатиб, ташкилотчилар ҳамда томошабинларнинг юксак эътирофига сазовор бўлдилар.

➤



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН  
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН  
ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Бошланғич 1-бетда

**Курбанов Абдулҳафиз Юсупович** — Шахрихон автомобиль йўллари қурилиши касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти  
**Назарова Фатима Шариповна** — Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 2-академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»  
ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдурахманова Озода Дехканбоевна** — Қуйи Чирчиқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти  
**Балтаев Юсуббай Сапарбаевич** — Гурлан туманидаги 40-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти  
**Бекмурзаева Дилбар Қаршибоевна** — Жиззах тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Бозаров Абдихаким Эргашевич** — Навбахор туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Қилчичова Дилорам Хайдаровна** — Жондор туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Мамаджанова Одина Ахмаджоновна** — Избоскан туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Нурмухамедова Барно Рашидовна** — Шайхонтоҳур туманидаги 132-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Отарбаев Азатбай Узаббаевич** — Нукус маданият ва санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Парпиев Қодирли Махсудалиевич** — Тўрақўрғон саннат ва транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Турапов Бахриддин Ражапович** — Яққабол туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Урунов Ортик Уматович** — Булунгур маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Хидирова Зулхумор Абдирашидовна** — Қумқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори-нинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Сурхондарё вилояти

**Хожиккулова Мохирахон Усмонова** — Данғара туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Шерматов Савд Назарович** — Ховос транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдумаликов Баҳром Абдулганиевич** — Республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича бош мураббийи, Тошкент шаҳри

**Тошоновна Гўзалхон Воҳобовна** — Учқўприк туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Турсунгулов Аббор Набиевич** — Тошкент вилоятидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

«ДЎСТИК»  
ОРДЕНИ БИЛАН

**Бозорова Нодира Тоғоевна** — Кармана туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Боқиев Асқарали Шоматович** — Касби қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Боратова Нигорахон Аҳмаджановна** — Фарғона шаҳридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Фарғона вилояти

**Жўраева Раъно Ўриновна** — Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ибрагимова Гулбахор Қайомовна** — Андижон шаҳридаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Капитанов Юрий Петрович** — Бекобод саннат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент вилояти

**Курбанова Матлуба Хурсанмуродовна** — Тайлоқ туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Кучкарова Муҳаббат Ишмуратовна** — Жиззах шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Маматова Матлуба Сотиболдиевна** — Чортоқ туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Наметуллова Нигархан Генжебаевна** — Кегейли туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Уришбоева Лолахон Балибековна** — Сардоба туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Халияров Панжи Азамович** — Жарқўрғон саннат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ходжаев Раҳман Илҳоневич** — Бухоро олимпия захиралари коллежининг бокс бўйича мураббийи, Бухоро вилояти

**Худайбергенов Жамшид Исмаилович** — Хоразм вилоятидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийи

«ШУҲРАТ»  
МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуғафурова Хафизахон Юсуповна** — Косонейб озиқ-овқат саннати ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Абдуллаев Зоҳид Шерматович** — Самарқанд ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Абдуразақова Мехриниса Раимбердиевна** — Ангрен педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Абдуразақов Садик Муратович** — Шаҳрисабз туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўзбек халқ чолғулари синфи ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Алмуратова Гулбахор Оришбаевна** — 2-Нукус тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Амридинова Мавлюда Шавкатовна** — Самарқанд шаҳридаги 9-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Самарқанд вилояти

**Ахмаджанова Умидахон Мўминовна** — Қўрғонтепа туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Бабалджанова Дилбар Рузметовна** — Хива енгил саннат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Байқулова Манзура Жонзоқовна** — Мирзаобод туманидаги 3-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

**Ганиев Абдувоҳид Абдувалиевич** — Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

**Данакулова Фарида Эшимовна** — Жомбой туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Дусмуратова Лола Қувановна** — Термиз шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Жиянов Хасанбой Эгамқулович** — Бекобод шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Жолмураева Тазагул Жумахмедовна** — Тахтақўприк туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жонзоқова Сайёра Анваровна** — Янгиер педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Зарипова Саодат Сунатовна** — Каттақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Иброҳимов Фарход Хасанович** — Янгиариқ туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Касимова Галия Валиязовна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Кенжаев Меликузи Нумонович** — Қўқон автотранспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Қилчиев Тўлқин Махмурович** — Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг бокс бўйича бош мураббийи, Тошкент вилояти

**Курбанов Юнус Жураевич** — Қарши туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Лутфуллаев Хайрулла Ширинхонович** — Жиззах транспорт ва алоқа касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Мендибаев Баҳрам Рустамович** — Республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи, Тошкент шаҳри

**Мирзаева Азиза Сайбажонна** — Хўжаобод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Мирзаева Гулбахор Хамдамовна** — Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

**Муратов Ҳалим Салимович** — Когон шаҳридаги 17-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Муҳитдинова Сайёра Тухтаевна** — Бухоро политехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Назаров Сарсенбай Пахраддинович** — Қонлиқўл қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Намозова Хабива Раҳманкуловна** — Узун туманидаги

3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Пахритдинова Нодира Аскарловна** — Яшнобод туманидаги 67-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Полянов Зокиржон Зиядуллаевич** — Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сурхондарё вилояти

**Райимов Раҳман Исоевич** — Хатирчи туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Раунов Илёс Аҳадович** — Гиждунов туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Садуллаева Гулистон Нуруллаевна** — Хонқа туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Сайлов Ризоқул Ёриқулович** — Пешку саннат касб-хунар коллежининг информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Сатторовна Маҳфуза Ғаппоровна** — Фурқат туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Сафаров Бобомурод Раҳимович** — Ғузур нефть-газ санноти касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Соатовна Гулшарой Қаримовна** — Муборак саннат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Туйчибаева Хилолаҳон Эркиновна** — Учқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Тухтабаев Зухриддин Парпиевич** — Андижон маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Умиров Ойбек Абдувайитович** — Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Урашаева Умит Алламуратовна** — Хўжайли агроиқтисодиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хайитов Шерали Исमतович** — Баҳмал туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Ходжаева Машхура Мирзаабдуллаевна** — Наманган туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Ходжимитова Хикоятхон Турсуновна** — Фарғона шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Фарғона вилояти

**Худдиев Комилжон Мухторович** — Навоий кончилик коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти

**Шарипова Дурдона Миразамовна** — Учтепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Шоҳўжаев Шоқосим Сидикович** — Оққўрғон агросаннат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Якубов Чори Адинаевич** — Ангор педагогика коллежининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2016 йил 29 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Ўқитувчи – илм ва маърифат, таълим ва тарбия фидойиси" мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН  
РУҲЛАНИБ

Халқ таълими вазирлиги ўринбосари Д.Кенжаев, Ўзбекистон Қаҳрамони, Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси М.Шарапова ва бошқалар истиснол йилларида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларга пухта билим беришга оид кенг қўламли исласотлар амалга оширилганини таъкидлади.

Таълим соҳасида қабул қилинган давлат дастурлари, фармон ва қарорлар ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, замонавий ўқув даргоҳларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режаларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 9 миң 692 умумтаълим мактабиди 385 миңдан ортиқ педагог фаолият кўрсатмоқда. Тизимдаги беш мингта яқин мактабгача таълим муассасасида 55 миңдан ортиқ, 301 болалар мусиқа ва санъат мактабиди 11 миңдан зиёд, 225 болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди 8 миң 212 устоз ва мураббий меҳнат қилмоқда.

Мактабларда ёш кадрларни ишга жалб этиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги уч йилда 25 миңдан ортиқ ёш мутахассис мактабларда ўз меҳнат фаолиятини бошлагани аини эътиборинг ёркин намунасирид.

Мамлакатимизда ўқитувчи касбини эъозлаш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликлар доимий изланишга, масъулиятни теран англашга чорламоқда, – дейди Тошкент шаҳридаги 164-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2016» кўриктанлови олоби Салима Курбанова. – Билимлар билан бирга мурғак қалб соҳибларига мустақиллигини, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг кадр-қиммати, Ватанга садоқат, фидойилик, одоб-ахлоқдан сабоқ бериш биз, педагогларнинг зиммасидаги асосий вазифадир.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб кайтарилди.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Матбуот хизмати

Сайлов штабларида иш қизғин

САЙЛОВ — 2016

Маълумки, жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни топширди ҳамда партиянинг сайловда иштирок этишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Айни кунларда Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ "Адолат" СДПнинг барча даражадаги ташкилотлари томонидан сайловда тадбирларини ўз вақтида ва ушшоқлик билан ўтказишга муҳим эътибор қаратилапти.

Жумладан, партия Сиёсий Кенгашининг VI Пленумида белгилаб олинган вазифа ва чора-тадбирларга асосан худудий ва маҳаллий партия кенгашларида сайловга тайёргарлик кўришга доир кенгайтирилган йиғилишлар ўтказилди. Унда бошланғич партия ташкилотлари умумий йиғи-

лишларини ҳамда вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларининг конференцияларини ташкил этиш, "Адолат" СДПнинг VIII Курултойига делегатлар сайлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Шунга кўра, дастлаб жойлардаги барча бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган умумий йиғилишларда туман ва шаҳар партия кенгашлари конференцияларига делегатлар сайлаб олинди. Айни кунларда ушбу конференцияларни чақириш учун туман ва шаҳар партия кенгашлари пленумлари ўтказилмоқда.

— Албатта, сайловни режалари ва самарали ташкил қилишда партияимизнинг марказий, худудий ҳамда маҳаллий сай-

лов штаблари таянч тузилмалар вазифасини ўтайди, – дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий ашаратида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича штаб раҳбари Абдукамол Раҳмонов.

— Шу мақсадда барча сайлов штабларимиз сайловга доир ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланмалар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланди.

Сайлов штабимиздаги ҳар бир гуруҳ ўз йўналишидаги вазифаларни вақтида амалга ошириш учун астойдил қиринишган. Хусусан, ҳозирда партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилаётган номзоднинг сайловдаги дастурини тайёрлаш ишлари охирига етказилапти. Шунингдек, сайловда ташвиқоти учун зарур бўладиган тарғибот материалларини тайёрлаш устида ҳам қизғин иш олиб борилмоқда.

Айни пайтда худудий сайлов штабларида Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган намунавий имзо варақалари асосида жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентиликка кўрсатиладиган ном-

зодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш жараёни жадид амалга оширилмоқда.

— Ушбу жараёни ўз вақтида ҳамда хато ва камчиликларсиз ўтказиш олдимида турган муҳим вазифалардан саналади, – дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Рустам Ҳамраев. — Шу мақсадда, туман, шаҳар партия кенгашларига керакли кўрсатмалар бериш билан биргаллик уларга амалий ёрдам ҳам кўрсатаёلمиз. Номзодимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган имзоларни тўплаш ишларини жойлардаги бошланғич ташкилотлари етакчилари, депутатларимиз, "Аёллар қаноти" ва "Ёш адолатчилар" қаноти фаоллари ҳамда электротимиз вакилларининг фаол

саъй-ҳаракатлари билан маҳаллаларда, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида олиб бораёلمиз. Шу билан бирга, имзо варақаларини тўлдирिशда сайловчилар билан юзмаюз гаплашиш, ҳар бир имзонинг ҳақиқийлигини таъминлаш масаласи ишчи гуруҳларимиз диққат марказида турирди. Белгиланган намунадаги имзо варақаларини тўлдирिश тартиблари, қатъий амал қилиниши лозим бўлган жиҳатлар борасида тушунтириш ишлари олиб борилапти. Ўз навбатида, вилоят партия ташкилотимиздаги сайлов штабиди ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзолари ҳар куни тўпланган имзолар ҳисобини олиш бора-борада уларнинг тўғрилиги, талабга жавоб беришини ҳам ўрганиб чиқишмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг марказий ва худудий партия ташкилотларида тузилган сайлов штабларида иш қизғин давом этапти. Ташкил этилган ишчи гуруҳлар зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга киришганлар. Мақсадимиз мамлакатимиз ва халқимиз келажагига дахлдор муҳим сиёсий жараёнда муносиб иштирок этиш ҳамда партияимизнинг дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиботчилик орасида янада кўпроқ тарғиб қилишдан иборат.

САЙЛОВ — 2016

Сайлов — кучли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиши-иродаси эркин ифодаланишининг асосий шакли ҳисобланади. Бинобарин, истиқлол йилларида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ажралмас қисмига айланди, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги юксалишига сезиларли таъсир кўрсатди. Ўтган давр мобайнида сайлов қонунчилиги ривожланиб борди.



Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

# Очиқлик, шаффофлик, тенг ҳуқуқлилик ва адолатлилик миллий сайлов тизимининг асоси

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқнинг нормаларини ўзида ифода этиши билан миллий сайлов ҳуқуқини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Сайлов қонунчилиги халқаро сайлов стандартларига мувофиқ эканлигини нафақат миллий экспертирлар, балки халқаро мутахассислар ҳам тўла эътироф этмоқда.

Муҳими, мустақил республикамиз фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилиши, шу билан бирга, фуқаролар касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюниш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши Асосий қонунимиз — Конституциямизда мустахкам белгилаб қўйилди. Яъни, аҳоли, кенг жамоатчилик маълум жамоат бирлашмалари орқали ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шу аснода юртимизда ўзбек халқи асрлар давомида оруз қилган хурфидликка, адолатга, қонун олдига тенгликка асосланган жамият қуришга мустахкам замин бўлиб хизмат қилувчи кўппартиявийлик тизими шаклланди. Партиялар жамият ҳаёти, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда ўзига хос ўринга эга бўлишида, сайловчиларнинг ҳуқуқларини кафо-

латлашда, сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишида бу борада қабул қилинган миллий қонуни қонуности ҳужжатларининг аҳамияти бекиёс. Айни пайтда 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантиришга қаратилган қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича олиб борилган ислохотларимизни янги босқичга олиб чиқди.

Концепцияда қайд этилганидек, мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустахкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларининг янада муносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократ-

лаштириш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда маъруза Концепцияда белгиланган устувор вазифалар асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)» қонун муҳим аҳамият касб этди.

Кези келганда таъкидлаш лозим, шу кунларда сайлов кампанияси қизғин паллага кириб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партияларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам тақдим этилган аризалари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилди, партиямизга сайловда иштирок этишга ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилинди, имзо варақалари бланкалари берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг мажлислари бўлиб ўтмоқда. Мажлисларда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастуридан келиб чиқадиган вазифалар муҳофизат қилинмоқда.

Муҳими, сайлов кампанияси ошқоралик ва очиқлик тамойиллари асосида олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, сайловларни умумэътироф этилган тамойиллар асосида ўтказиш демократияни ривожлантиришнинг асосий қисми, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини ҳурмат қилишнинг эркин ифодасига айланмоқда.

## «ЁШ АДОЛАТЧИЛАР» ҚАНОТИ ФАОЛИЯТИДАН

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг талаба ва ўқувчилари ўртасида Ўзбекистон "Адолат" СДП "Ёш адолатчилар" қаноти томонидан ўтказиб келинаётган аъёнавий "Адолат билимдони" кўрик-танловининг шаҳар, туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

## "Адолат билимдони" кўрик-танлови ўтказилмоқда

Партияимизнинг "Куч — адолатда" лойиҳаси доирасида ташкил этилган ўшбу кўрик-танлов ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини юксалтириш, уларни Конституцияимиз ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларда эркин фикрлаш қобилияти ва пухта маданиятини ўстириш, уларнинг фаол фуқаролик позициясини янада мустахкамлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш ҳамда дастурий мақсад ва вазифаларимизни тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Қатнашувчи шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида маъруза таълими саралаш босқичи ўтказилди. Унда шаҳардаги касб-хунар коллежларининг иқтидорли ўқувчи-ёшлардан тuzилган бир қатор жамоалар катнашди.

Жамоалар белгиланган талаблардан келиб чиқиб, ташвиштурув, сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги билимлар, "Адолат тантана қилди" мавзусидаги сахна кўриниши, "Қонун ташаббускори" каби тўрт шарт бўйича ўз билим ва қобилиятларини намойиш қилишди. Яқиний натижаларга кўра, иқтидорли касб-хунар коллежининг "Ёш адолатчилар" жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг худудий босқичига йўланма олди. Транспорт касб-хунар коллежининг "Сематорлар" жамоаси иккинчи, қурилиш ва саноат касб-хунар коллежининг "Билдмонлар" жамоаси эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

# Муҳим сиёсий тадбирга

## партиянинг ҳудудий ташкилотларида пухта ҳозирлик кўрилмоқда

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон ҳудудий кенгаши пленумида Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгаши ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Е.Қунназаров мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида барча маҳаллий ва қўйи тузилмаларининг муносиб иштирок этиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қурилиши йўлида кўппартиявийлик тизимига асос солинди, — деди Е.Қунназаров. — Бу, ўз навбатида, юртимиз фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини, хусусан, сиёсий партиялар орқали амалга ошириш имкониятини кафолатлайди. Юртимизда соғлом сиёсий рақобат муҳитида изчил фаолият юритаётган сиёсий партиялар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан тобора юксалишида халқ қилувчи кучга айланиб, сиёсий партияларнинг нуфузи, таъсири кун сайин ортиб бормоқда. Қорақалпоғистонда ҳам партиямиз мафқуравий ва ташкилий жиҳатдан мустахкамланиб, бутунги кунда сафдошларимиз сони 8 мингдан ошди.

Фуқароларнинг ишончини янада мустахкамлаш, 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига партияимизнинг фаол иштирокини таъминлашга муносиб ҳисса қўйиш қорақалпоғистонлик ҳар бир сафдошимиздан фидойилик ва маҳорат, шижоат кўрсатишига тоқово этмоқда. Партияимизнинг бу муҳим жараёнга уюшқоқлик билан сафарбар этиш ҳудудий ташкилотимизнинг барча бўғинидаги тузилмалари, партия депутатлари олдида турган долзарб вазифадир.

Йиғилиш иштирокчилари "Адолат" СДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари ўзида аҳоли манфаатларини ифода этиши ҳамда бўлажак сайлов партия раёларини яна бир бор сайловчилар орасида кенг тарғиб қилиш, партиядан кўрсатиладиган Президентликка номзоднинг сайловдаги дастури орқали электорат манфаатларини янада чуқурроқ ифодалаш имконини беришини, миллий сайлов қонунчилигида сиёсий партияларга берилган ушбу имкониятдан самарали фойдаланиш партия нуфузини юксалтиришда ҳам амалий аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Пленумда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг навбатдаги Қурултойига қорақалпоғистонлик маслақдошлар, электоратнинг хоҳиш-иродасини намоён этишга қодир муносиб делегатлар сайлаш муҳим ўрин тутини алоҳида қайд этилди.




**ХОРАЗМ.** Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида ҳам республикамизнинг барча соҳаларида амалга оширилган туб ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг роли йилдан-йилга кучайиб, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишга қаратилган стратегик вазифаларни ҳал этишда партияларнинг иштироки кенгайганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролинини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва лавозимларга сайлаш борасидаги ҳуқуқларини янада кенгайтиради.

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси давом этаётган шу кунларда партиялараро сиёсий рақобат кучайганлиги алоҳида эътибор қаратилди. Мажлис катнашчилари маъруза сайлов кампаниясида вилоят партия ташкилоти тизимидаги барча тузилмалар, вилоятдаги сафдошларимизни уюшқоқлик билан бу муҳим ишга сафарбар этиш билан боғлиқ масалаларни муҳофизат қилди.

Соҳаларда эришилган ҳар бир ютуқ фаровонликка хизмат қилиши билан бирга юрдошларимизнинг эртанги кунга ишончини янада ошганини айни ҳақиқат, — деди Хонқа туман партия кенгаши раиси Зеваржон Юсупова. — Мустақилликнинг улуг нэматлари, бекиёс имконларини ҳар бир юрдошимиз чуқур англаб етган. Партиялараро сиёсий рақобат муҳитида тараққиётимизга хизмат қилаётган кўппартиявий тизим ана шу бебаҳо имконлардан бири ва мустахкам ҳуқуқий асосларга эга. Юртимиз аҳолиси, шу жумладан, ёшларнинг фуқаролик позициясини шаклланиши, уларнинг Ватан тақдири, жамият ҳаётига дахлдорлик ҳисси ортанглигида ҳам сиёсий партиялар фаолиятининг самаралари акс этган. Жорий йилнинг декабрь ойида бўлажак сайловга тайёргарлик ишларига, сайлов кампаниясига ана шундай ишонч ва катъият билан киришдик.



**Тошкент шаҳар** партия кенгашининг навбатдаги пленумида юртимизда сиёсий партиялар эркин фаолият юритиши учун яратиб берилган кенг ҳуқуқ ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини аҳолининг электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг муносиб иштирокини таъминлаш, бу борада шаҳар партия ташкилотининг галдаги долзарб вазифалари юзасидан атрафлича фикр юритилди.

Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Одижон Аманов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Ойдин Абдуллаева, Мирзо Улугбек туман партия кенгаши ра-

иси А.Яхьяева ва бошқалар ўз сўзида Президент сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли эканлигини қайд этишди.

Сайловга тайёргарлик ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишда партия тузилмалари етакчилари ва фаолларининг сиёсий билим ва маҳоратлари таъсирчан аҳамиятга эга эканини назарда тутиш жоиз, — деди Мирзо Улугбек туман партия кенгаши раиси Адолат Яхьяева. — Ташкил этилган сайлов штабларига энг тажрибали партиядошларимизни жалб этиш, кенглик адабиётлар ва тарқатма материаллар билан

таъминлаш зарур. Кенг жамоатчиликка сайлов қонунчилигининг моҳияти, амалдаги қонунларимизда кўзда тутилган талабларни етказиш, айниқса, маҳаллий ОАВлар билан ҳамкорликни ҳар қачонгидан кўра мустахкамлаш, тарғибот тадбирларини юксак савияда ташкил этиш талаб этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловдаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, шаҳар партия кенгашининг VII Конференциясини ўтказиш, партия Низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар бериш, жойларда сайловга тайёргарлик кўриш бўйича барча ишларни тизимли равишда ташкил қилиш масалаларига эътибор қаратилди.

**НАМАНҒАН.** Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Олимжон Мақсудов партия кенгаши раисининг VI Пленуми қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясида муносиб қатнашиш учун партия фаоллари, сафдошларимиз уюшқоқлик ва фидойилик кўрсатиши лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш барча даражадаги партия ташкилотларимиз, қолаверса, ҳар бир аъзо зиммасига катта масъулият юклайди, — деди халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП гуруҳи аъзоси, Наманган давлат университети ректори Абдусалом Умаров. — Сайлов кампанияси партия ташкилотларимизга сайловчилар билан янада кенгрок микёсда ишлаш, партия номзодининг сайловдаги дастури кенг тарғиб қилиш имкониятини беради. Айни пайтда университети-миздаги сафдош ўқитувчилар ва талаба-

лардан иборат гуруҳлар тузиб, омма орасида иш олиб боришни режалаштирдик. Вилоят партия кенгашининг масъул ходимлари уларни тегишли йўл-йўриқлар ва адабиётлар билан таъминлашни зиммаларига олдилар.

Музокараларда сўзга чиққан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, вилоят болалар тиббиёт марказининг бўлим мудири Иброҳимжон Абдуллаев, Косонсой, Янгиқўрғон туман партия кенгаши раислари Муроджон Жаллолов, Дилафрўз Тўхтасинова ва бошқалар Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига иштирок этиш мақсадаги мувофиқ деб топилганини ҳамда партия электорати ва тарафдорларининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, навбатдаги VIII Қурултойда Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан номзод кўрсатилишини қўллаб-қувватладилар. Вилоят партия ташкилотининг бўлажак сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сайлов жараёнида мафқуравий ва ташкилий-партиявий фаолиятни мувофиқлаштиришга қаратилган чора-тадбирлари белгилаб олинди.

**ҚАШҚАДАРЁ** вилоят партия кенгашининг навбатдаги пленуми ҳам ишчанлик руҳида ўтди.

Мамлакатимизда сайлов Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонуналарга мувофиқ ҳамда халқаро демократик меъёр ва қондаларга амал қилинган ҳолда очиқлик, ошқоралик ва сиёсий бағрикенглик шарафига ташкил этилмоқда, — деди

вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Рўйиддин Раупов. — 2014 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловларда партияимизнинг дастурий раёларини халққа тўғри ва холис тушунтирганимиз, вилоят микёсида ўз самарасини берди, партия ташкилотларимиз томонидан кўрсатилган номзодларнинг 2 нафари Қонунчи-

лик палатасига, 68 нафари эса маҳаллий Кенгашларга депутат этиб сайланди. Муҳими, сайловларда партияимизнинг инсонпарвар раёларига бир неча юз минглаб сайловчилар ишонч билдирмоқда. Кейинги икки йил ичида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида "Адолат" СДПга қизиқиш орди, бунинг Қарши, Муборак, Дехқонобод, Китоб туман партия ташкилотлари сафи кенгайгани мисолида

яққол кузатиш мумкин. Пленумда сўзга чиққанлар "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ўз номзоди билан иштирок этишини қўллаб-қувватлаб, сайловга тайёргарлик ишларини кучайтириш, вилоятдаги партия ташкилотларида тузилган сайлов штаблари ишнини замон талаблари даражасида ташкил этишга эришиш хусусида таклиф ва мулоҳазаларини баён этишди.

Пленумларда муҳофизат этилган масалалар юзасидан таъсиялар ишлаб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларининг маъруза пленумларида жорий йилнинг октябрь ойида туман, шаҳар ва ҳудудий партия кенгашлари конференцияларини қақриши белгилаб олинди.

Шарипа ТОРЕШОВА, Феруз ЖўРАЕВ, Замира АБДУЛЛАЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Хоразм вилоят кенгашлари матбуот котиблари. Нурбек АБДУЛЛАЕВ, Комил САХАТОВ, "Adolat" муҳбирлари



# Обиҳаёт улашаётган сафдошларимиз

## БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Халқимизда “Сув келтирган савоб”, деган ибратли нақл бор. Маълумотларда келтирилишича, бугунги кунда дунёда 1,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Айниқса, ушбу муаммонинг Африка қитъасида йилдан-йилга кенг тарқалиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солиб келади.

Шулар ҳақда фикр юритганда ҳар бир юрtdошимиз калбида шукроналик хислари жўш уриши табиий. Боси, бизнинг дидерда катта шаҳарлардан тортиб, энг чекка кишлоқларгача одамлар тоза ва сифатли ичимлик суви истеъмол қилишади. Тўғри, ичимлик суви ҳали водопровод қувурлари орқали бўлмаса-да, бошқа услубларда етказиб берилаётган айрим масканлар бор, лекин бу борадаги масалалар юзасидан зарур чоралар кўриб келинмоқда, мавжуд муаммолар йилдан-йилга бартараф этиляпти. Фикримизни Сурхондарё вилоят “Сувоқова” давлат унитар корхонаси Термиз тумани филиали фаолияти мисолида давом эттирсак. Туман ахлини ичимлик суви билан мунтазам равишда таъминлашга, хонадонларга етказиб берилаётган сувнинг сифатлилигига масъул

бўлган ушбу меҳнат жамоасида 41 нафар ишчи-ҳодимлар доимо эл хизматига камарбаста. Туман умумий майдонининг асосий қисми чўллашган ҳудуд хисобланишини, аҳоли масканлари тарқоқ жойлашганини инобатга оладиган бўлсак, тармоқ ҳодимлари зиммасидаги вазифа янада жиддий ва захматли эканига амин бўласиз. Шунга қарамай, жамоа аъзолари 80 минг нафар аҳолига обихаёт етказиб беришда муваффақиятли натижаларни кайд этиб келишмоқда.

Туманидаги 23 та маҳалла доимий равишда ичимлик суви билан таъминланган. Хали сув қувурлари етиб бормаган маҳаллаларга махсус автомобилларда катъий жадвал асосида обихаёт етказиб бераймиз. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу каби муаммоларнинг сифатлилигига масъул



ечимини топади. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган дастур асосида босқичма-босқич янги ичимлик суви қувурларини тортиш, сув иншоотлари барпо этиш ишларини амалга оширмоқдамиз. Масалан, сўнгги уч йилда 11 та сув иншоотини қуриб, фойдаланишга топширдик. Йил якунигача яна иккита ана шундай иншоот аҳолига хизмат қила бошлайди. — дейди филиал раҳбари Абдухалил Пўлатов.

Сурхондарё вилоят “Сувоқова” ДУК Термиз туман филиали ҳодимлари ўз зиммасидаги муҳим вазифаларни уддалаш баробарида жамиятимиз ҳаёти-

даги ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этишни мақсад қилганлар. Буни мазкур филиалда меҳнат қилган ётган сафдошларимиздан иборат янги бошланғич партия ташкилоти фаолиятини бошлагани ҳам яққол ифода қилади. Янги БПТ ташкил этилишига бағишланган йилдаги ўзбекистон “Адолат” СДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Исроил Қурбонов, туман партия кенгаши раиси Убайдулло Тоғайназаров иштирок этиб, сиёсий партияимизнинг дастурий мақсадлари, илҳом фаолияти ҳақида батафсил тушунча беришди.

## сиёсий кучнинг янги қуйи бўғинига бирлашди

Йилдаги мазкур филиал раҳбари Абдухалил Пўлатов БПТ раиси этиб сайланди.

— Озод ва обод Ватанимиз равнақига хисса қўшиш, туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, партияимиз раёларини рўёбга чиқаришда ҳар биримиз масъулмиз, — деди БПТ раиси А.Пўлатов. — Аҳоли, айниқса, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва мустақамлаш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тинчликни асраб-авайлаш, мавжуд муаммоларга ўз вақтида ечим топиш каби масалалар БПТ аъзоларининг доимий диққат марказида бўлади.

Йилдаги яна бир гуруҳ сафдошларимизга партия билетлари тоширилди ва янги БПТ 30 дан зиёд маслақдошларимизни ўз сафига бирлаштирди. Бир сўз билан айтганда, шижоатли партиядошларимиз дастурий раёларимизни жойларда тарғиб этиш ҳамда амалиётга татбиқ қилишда фаол иштирок этишади.

Мақсуд Тўраев, Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

## ДЕПУТАТ ЁШЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон “Адолат” СДП Зарбдор туман кенгаши ташаббуси билан туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мажлислар залида “Депутат ёшлар ҳузурида” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия ҳодимлари, туман партия кенгашининг “Ёш адолатчилар” қаноти аъзолари, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

# Баркамол авлодни тарбиялаш

## масаласи доимий эътиборда

### ПАРТИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛДА

Мамлакатимиз ўз мустақил тараққиётининг йигирма олтинчи йилига қадам қўйди. Шу ҳақда фикрлар эканмиз, ўтган давр мобайнида истиқлол туфайли қандай улғувор ишлар амалга оширилганлиги кўз олдимизда намоён бўлади.

Айниқса, бутун дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» деб юксак эътироф этилган машҳур беш тамойил асосида иқтисодий ётти тубдан ислоҳ қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастурининг рўёбга чиқарилиши улкан самаралар берди. Қўлга киритилган натижалар ҳақида гапирганда, энг аввало, бир қатор янги, замонавий, юксак ишлаб чиқариш тех-

икимий лойиҳаси доирасида ташкил этилган “Озод ва обод юрт ёшлари” мавзусидаги ушбу тадбирида “Ёш адолатчилар” қаноти фаоллари, педагоглар ҳамда бир қатор касб-хунар коллежларининг юқори босқич ўқувчилари қатнашди.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги халқимиз чорак аср мобайнида қўлга киритган ютуқларнинг ўзига хос

ликнинг дастлабки ойларидаёқ ёшларга оид давлат сиёсати дастури ишлаб чиқилди. “Таълим тўғрисида”ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши эса бу йўналишнинг узвий давоми бўлди. 2001 йилда ташкил топган “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам йигит-қизларнинг жамиятнинг фаол аъзолари бўлиб етишишларига қўмақлашмоқда. Айниқса, мунтазам равишда ташкил этилаётган турли кўрик-танлов, фестивал ва мусобақалар ёшлар орасидаги иқтидорларни юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай ғамхўрликка жавобан навқирон авлод вакиллари ҳам ўзларининг самимий муносабатларини билдирмоқдалар.



нологиялари негиздаги саноат тармоқлари вуҷудга келтирилганлигини тилга олиш зарур. Булар орасида нефть қимёси, қимё, автомобиль саноати қабилар бор. Айни вақтда Ўзбекистон дунёдаги иқтисодий ётти жадал ривожланаётган бешта давлат қаторига кирганлиги ҳам диққатга сазовордир. Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодий ётти қарийб 6 марта ўсди. Унда саноатнинг улуғи 14 фойздан 34 фойзга ошди. Охириги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8 фойздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган туман ташкилоти томонидан ўтказилган давра суҳбатида ана шулар ҳақида гапирилди. Партияимизнинг “Буюк ва муқаддасан, хур Ўзбекистон!”

сарҳисоби саналади, биз бошланғич партия ташкилотларида, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, маҳаллаларда қатор тадбирлар ўтказдик, — деди Наманган туман партия кенгаши раиси Ерқиной Хожиматова. — Уларда сафдошларимиз истиқлол туфайли халқимиз эришган улғувор ва оламшумул ютуқлардан олган таассуротларини баён этдилар. “Адолат” социал-демократик партиясининг фуқаролик жамияти барпо этиш ва уни ривожлантириш йўлидаги амалга ошираётган ишлари тўғрисида ҳам батафсил сўз юритилди. Айниқса, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат ва жамиятнинг диққат марказида бўлиб келаётгани иштирокчилар томонидан алоҳида таъкидланди. 1991 йилда, яъни мустақил-

Тумандаги Тошбулоқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Зухра Ёқубжонова Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллигига атаб ўтказилган ишлар танловига муваффақиятли қатнашди, унинг ижодий иши “Истиқлол шуқуҳи” номли тўпламдан ўрин олди. Ана шундай ёшларга таълим бераётган ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Насиба Бойматовга туман партия кенгашининг фахрий ёрлиғи тоширилди.

Тадбир сўнггида бир гуруҳ янги сафдошларимизга партияга аъзолик билетлари топширилди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, “Адолат” муҳбири

## ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Депутатларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари, дастурий гоё ва вазифаларимизни рўёбга чиқаришда сайловчилар билан доимий мулоқоти, ҳаёт билан ҳамнафас ишлаши амалий аҳамият касб этади. Аҳоли ўртасида партияимизга бўлган ишончни кучайтириш ҳам ана шундай жиҳатлар билан боғлиқ.

# Ташаббус ва фаоллик

## амалий ишларда акс этмоқда

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида фаолият юритаётган Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан депутатлик қабулларида сайловчилар билдирган таклиф ва мурожаатларни ўз вақтида ўрганиб, аниқланган муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, қонунлар ва ҳуқуқий-меъриёв ҳужжатларнинг ижроси юзасидан депутатлик назорати олиб бориш масалаларида қатор ишлар қилинмоқда. Шу мақсадда жорий йилда мута-



сади ташкилот ва муассасаларга 50 дан ортиқ депутатлик сўровлари юборилди. Таъкидлаш жоизки, депутатлик гуруҳи аъзолари партиянинг дастурий мақсад ва гоёлари фуқаролар манфаатларига хизмат қилишини амалда кўрсатишга астойдил интилиб, амалий натижаларга эришмоқдалар.

Хусусан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига “39-Қозиробод” сайлов округидан сайланган депутат Омонулла Ибрагимов сайловчиларнинг “Катта Чилонзор” маҳалласининг “Нукус” кўчаси ҳамда “Дўмбиробод” маҳалласидаги 256-боғча ва 15-музыка мактаби ёнидан ўтувчи йўлни таъмирлаш юзасидан қилган мурожаатини ўрганиб, ушбу масала мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди. Шуниси диққатга сазоворки, фуқароларнинг маҳалла ҳаёти, ёш авлод манфаатлари билан боғлиқ масалаларда мурожаат қилаётганлиги уларнинг ижтимоий фаоллиги янада ортаётгани, ўзи истиқомат қилаётган ҳудуд манфаатлари акс этган масалаларга лоқайд эмаслигини ифода қилади.

— Чилонзор туманидаги “Беҳқўрғон” маҳалласи аҳоли гавжум масканлардан бири, бу ерда 7600 нафар киши истиқомат қилади, — дейди маҳалла фаоли Мавжуда Розикова. — Жумладан, аҳолининг 30 фойздан ортигини ёш болалар оилалар ташкил этади. Кўшнни маҳалладаги боғча аксарият хонадонларга узоқлик қилади, маҳалламизда болалар боғчасига эҳтиёж ортаётган. Шунинг назарда тутиб, биз мазкур масала бўйича депутатга мурожаат қилдик. Депутатнинг ушбу масалаларга доир таклифига мувофиқ “Беҳқўрғон” маҳалласида мактабгача таълим муассасаси биносини барпо этиш вазифаси Халқ таълими вазирлигининг режасига киритилишига эришилди.

Албатта, аҳолини ўйлантираётган бундай масалаларни аниқлаш ва ҳал этишда, жамоатчилик назоратини самарали ташкил қилишда депутатлар партиянинг бошланғич ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда ишлаши муҳим аҳамият касб этади. Сабаби партиянинг қуйи бўғинлари электорат вакиллари билан доимий муносабатда бўлиб, ижтимоий муаммолардан энг аввал хабар топадилар.

Партиянинг қуйи бўғинлари билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган яна бир ташаббускор депутат Фарход Абдуллаевнинг галдаги депутатлик сўрови асосида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Учрашувлардан бирида Яшнобод туманидаги “Дилбоғ” маҳалласи фаоллари 67, 69, 72-кўп қаватли уйлар ҳудудида болалар майдончаси барпо этиш зарурлигини баён қилишди. Худди шу мазмундаги масала юзасидан “Беҳарик” ва “Хосият” маҳаллаларида истиқомат қилувчилар ҳам депутатга мурожаат этишди. Айни пайтда мазкур маҳаллаларда болалар майдончасини қуриш ишлари мутасадди ташкилот ва ҳомийлар ҳамкорлигида олиб боришмоқда. Шу билан бирга, депутат Ф.Абдуллаев ташаббуси билан “Асалобод” ва “Хосият” кўчалари ободонлаштирилди, “Хосият” кўчасига автобус бекати ўрнатилиб, аҳолига зарур қулайликлар яратилди.

Фуқароларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга астойдил интиляётган депутат Ф.Абдуллаевнинг хайрли ишларидан маҳаллалар ахли мамнун бўлмоқда. Эндиликда “35-Тузел” сайлов округи ҳудудидаги “Тонг”, “Ватандош”, “Моҳинур” ва “Ал Бухорий” маҳалла фаоллари мурожаатига кўра мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида мазкур ҳудуддаги қабристонда зиёратга келувчилар учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида амалий ишлар қилинмоқда.

Феруз Жўраев, Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

# Огоҳлик — давр талаби

Тадбирни туман партия кенгаши раиси Ферузбек Хамзаев кириш сўзи билан очар экан, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг илм олиб, ўзлари хоҳлаган касб-хунар эгалари бўлиб етишишлари, ўз истеъдод ҳамда қобилиятларини намоён этиб, катта ютуқларни қўлга киритишлари учун барча имкониятлар яратилганини айтиб, ёшларимизни бу имкониятлардан оқилона фойдаланишга ундади. Шу билан бирга, глобаллашув даврининг мураккаб шароитида турли хил ёт гоёлар таъсиридан эҳтиёт бўлиш лозимлигини уқтирди. Шунингдек, ёшларимизнинг таълим-тарбиясида барча бирдек масъул эканлигига, бу борада кенг жамоатчиликнинг ролини янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратди.

Давра суҳбатида халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Акрам Абдувоитов сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва уларнинг мазмун-моҳияти, мазкур қонунларнинг мамлакатимиз ҳамда халқимиз ҳаётидаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирди. Депутат ўз сўзида ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, яхшилик, эъзулик, адолат, меҳнатсеварлик туйғуларини янада кучайтириш орқали уларнинг маънавий имунитетини мустақамлаш, турли хил ёт гоёлар ва оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асраб-авайлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, фарзандларимизнинг маънавий дунёқарашини янада бойитиш, ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-хунар коллежларини битираётган ёшларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишларига яқиндан қўмақлашини масалалари хусусида атрафлича тўхталиб ўтди.

— “Ёш адолатчилар” қаноти фаоллари билан ҳамкорликда тумандаги барча маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ва учрашувлар ташкил қилиб келмоқдамиз, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Назира Назарова. — Хусусан, партияимиз лойиҳалари доирасида “Биз буюк юрт фарзандларимиз”, “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз”, “Эрта никоҳларнинг олдини олиш”, “Огоҳлик — давр талаби”, “Интернет ва унинг салбий оқибатлари” каби мавзуларда ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир. Келгуси тарғибот тадбирларида жамоатчилик вакиллари билан жалб қилган ҳолда хонадонларга таширф буюриб, ҳар бир оилада самимий суҳбатлар уюштиришни режалаштиришимиз, ҳамкорликда амалга ошириладиган бу каби ишлар янада самаралироқ бўлишига ишонамиз.

Тадбир сўнггида иштирокчилар эътиборига мавзуга доир видеоролик ва ҳужжатли фильм намойиш этилиб, маҳалла фаоллари ва ёшларга партия фаолиятига оид буклет ҳамда қўлланмалар тарқатилди.

Узоқбой РИСКУЛОВ, Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

“Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир”. Биринчи Президентимиз самарқандликлар билан учрашувлардан бирида шаҳарга ана шундай таъриф берганди. Ҳақиқатан ҳам, бу шаҳарнинг тарихи олис қадимият билан боғлиқ. Тарихда Афросиёб, Смараканса, Мароқанд, Самарқанд каби турли номлар билан аталган шаҳарнинг илк шаклланиш даври эрамыздан олдинги VIII-VII асрлардан бошланган. Кейинги йилларда ўзбек ва француз археологларининг биргаликда олиб борган тадқиқотлари натижасида Афросиёб харобалари остидан шаҳарнинг қадимий даврларга оид қолдиқлари, осори-атиқалари топилди ва унинг ёши янада улғайиб, шаҳар ўтмиши саҳифалари кенгайди. Аҳамониёлар, юнонлар, араблар, мўғуллар ва бошқаларнинг босқинчилик урушлари натижасида неча бор вайрон қилинган шаҳар халқимизнинг бунёдкорлик кучи билан ҳар гал қайтадан тикланиб, обод ва гўзал масканга айлантирилган.

**А**лбатта, Самарқанднинг улдувдор тарихини намоеън этувчи ўзига хос кўзуларидан бири — унинг бетакдор меъморий ёдгорликларидир.

Амир Темури ва теурийлар даврида Самарқанд дунёнинг илм-фан марказига айланди. Ўрта Осиё ва Шарқ шаҳарсозлигининг барча нодир хусусиятлари унинг меъморчилигида намоеън бўлди.

Кўп асрлар илгари Самарқандда бўлган тарихчи Ибн Хавқал “Юксак жойдан туриб қарасангиз, Самарқанд гўзал иморатлари, гаройиб боғлари, бетимсол кўрғонлари билан одамни хайратга солади”, деб ёзса, Ибн Баттута “Дунёда Самарқанд каби хавоси мусоффо, осмони мовий, замини кўм-кўк, суви зилол, жаннатмонанд шаҳарни кўрмадим”, деб таъриф этди. Шаҳардаги нодир ёдгорликлар ажодларимиз яратган бойликларидир. Бу меросни нафақат асраб-авайлаш, балки ўтмиш бўҳронларида ярим вайрона ҳолга тушганларини қайта тиклаш ва ободонлаштириш ҳам бугунги авлодларнинг вазифаси эди. Биринчи Президентимиз ана шу хайрли ишларнинг бош ташаббускори бўлди. Самарқандда бунёдкорлик ва қайта қуриш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Энг аввало, Самарқанднинг тарихий жойларини шаҳарнинг киефасига мос равишда қайта тиклаш масаласи қўйилди. Табиийки, шаҳарнинг замонавий киефасини тарих билан уйғунлиқда сақлаш жуда мураккаб жараён. Бу борада ҳам ўзига хос йўл тутилди. Кўҳна обидаларни қайта тиклашда чукюр илмийлик ва тарихийлик концепциясига амал қилинди. Ҳар бир ёдгорликни асл ҳолида тиклаш, тарихийликка эътибор бериш асосий мақсад қилиб қўйилди. Натияжада Регистон ёдгорликлар мажмуаси, Чорсу архитектура ансамбли, Хожа Аҳрор Вали мемориал комплекси, Жоме масжиди ва Бибиҳоним макбараси, Амир Темури макбараси, Улуғбек расадхонаси, Нодир Девонобег мадрасаси ва бошқа кўплаб қадимий обидалар ана шу асосда қайта тикланиб, таъмирланди.

2004 йилнинг 16 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг “Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор асосида жамағарга ташриф буюриб, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари кўламини тушунтириб берган эди. Маълумки, Афросиёб Самарқанднинг қадимий масканларидан бири. Ана шу масканинг энг олис тарихга дахлдор қисмларидан бири Шоҳи Зиндадир. У 22 гектар майдонни эгаллайди. Машхур фиксшунос аллома Утбий “Саҳихи Бухорий шарҳи”, тарихчи Абу Абдулло “Тарихи Нишопур” асарларида бу ерда қадимда Бану ножиа номи қабристон бўлганлиги, кейинчалик унга Қусам ибн Аббос майити кўмилгани ҳақида маълумот берадилар. IX-XI асрларда тарихчилар Ибн Хавқал, Саодий, Ёқут Ҳамавий, Истаҳрий ўз асарларида бу ерда қабристон ва Қусам ибн Аббос қабридан бошқа масжидлар, мадрасалар барпо этилганлиги хусусида ёзадилар. Лекин урушлар натижасида уларнинг аксарияти бузилди кетган. XIV-XVI асрларда, Амир Темури ва теурийлар даврига келиб Шоҳи Зинда ниҳоятда обод ва маҳобатли масканга айланди. Абу Тоҳирхожа Самарқандий “Самарқанд” асарида бу ҳақда шундай маълумот беради: “Амир Темури Қўрағоннинг подшоҳлиги вақтида ушбу мазор иморат қилиниб, турли беақлар билан безатилди. Унинг хотун ва синглиларидан бир нечаси ва баъзи амирлар унга ўринлар белгилаб, ўзалари учун турбатлар ва дахмалар ясапти, уларнинг устига буюк-буюк бинолар содиргандилар. Лоқувард тусли фалак дунё юзига томоша кўзини очганидан бери буна ўхшаб гўзал ва беақли иморатлар кўрмаган”.

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси Самарқанд тарихининг муҳим бир қисми. У шаҳарнинг милодий асрининг бошларидан то XVII асрга қадар кечмишини ақс эттиради. Бу ерда салик 20 асрлик тарих муҷасам. Аммо шундай бой тарихга эга ёдгорликлар кейинги 500-600 йил давомида эътибордан четда қолганди. Натияжада уларнинг аксарияти бузилиб, вайрона ҳолга келганди. XIX аср охири, XX аср бошларида тасвирга олинган ва бугунги кунгача сақланиб қолган тарихий суратларга назар ташласангиз, ажодларимиздан мерос бо обидалар ниҳоятда аниқли аҳволданигини кўриб қалбингиз ларзага тушади. Айниқса, шўролар даврида Шоҳи Зиндадаги макбаралар, масжидлар мой-ёқили, минерал ўғитлар, машина-тракторларнинг эҳтиёт қисмлари сақланадиган омонларга, савдо-сотик базаларига айлантирилиб, хароба ҳолга келганлигини кўриб юрагингиз ачи-

шади. Бундан 15-20 йил илгари Шоҳи Зинда ёдгорлигига кириладиган дарвозахона остидан катта йўл ўтарди. “Катта юк машиналарининг қатнаши натижасида обидаларга зиён етганди, уларнинг кўп қисми дараз кетганди”, — дейди техника фанлари доктори Собиржон Бобоев. “Шоҳи Зиндада кейинги юз йилдан ошқик вақт мобайнида сувлардан ҳимояланиш воситаси бўлмаган. XIV-XV асрларда барпо этилган қувурлар ишдан чиққан. Бу эса иморатлар остидаги тупроқ катламнинг қўқишига олиб келган. Буларнинг ҳаммаси Шоҳи Зиндада жиддий равишда қайта тиклаш, таъмирлаш ишларини олиб боришни заруратга айлантирди”, — дейди олим Ҳаёт Расулов.

Шоҳи Зинда тарихий ёдгорликларга бой маскан бўлгани учун уни қўриш ва зиёрат қилиш учун нафақат юртимиздан, балки хорижий ўлкалардан ҳам сайёҳлар кўп келди. Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз ўшада бу тарихий мажмуада қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш иш-



лик йил саналари ҳам ўрганиб чиқилди. Шунингдек, бинолардаги ёзувлар тарихий маълумотлар асосида қайтадан битилди. Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси илмий ходими Ҳамроқул Қаюмов шундай дейди: “Кекса усталар XIV асрда барпо этилган Хўжа Аҳмад макбарасини қурган устанинг номи борлиги ҳақида айтишарди. Лекин биз уни ҳеч тополмасдик. Қўтилмаганда ана шу уста номи аниқланди. Унинг номи исломий тарзда ишланган гуллардан бирининг барги ичига битилган экан. Биз уни баргнинг беақлари деб юра-

ага киришдаги арк-айвон ҳам аслидек қилиб қурилди. Кириш аркининг пештоқига сайқал берилди. Энг муҳими, Шоҳи Зинда тарихий асосда тикланди ва ажодлар мероси асл ҳолига келтирилди.

Ўша вақтда Биринчи Президентимиз зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ушбу тарихий ёдгорликлар воситасида ёшларни Ватанга садоқат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва ифтихорни шакллантириш масаласини ҳам ўртага қўйди. Ёдгорлик мажмуаси тўла таъмирлани-

қурилган. Чунки унинг ёнидан қадимда Арзиз ариғи ўтган. Бу ариқ шаҳарни сув билан таъминлаган. Масжид яқинидаги Арзиз қудуғи эса бугунги кунда ҳам сақланиб қолган.

Масжид барпо этилганидан бери ўтган ўн тўрт асрлик вақт мобайнида неча бор бузилиб, неча бор қурилган. Унда Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Шаҳрисабз, Фарғона меъморчилик мактабларига хос кўринишлар сақланиб қолган. Масжид XIII асрда мўғуллар томонидан ёндириб юборилди. Теурийлар даврига келиб, у яна асл ҳолида тикланади. Аммо урушлар, табиий офатлар натижасида бу ерда теурийлардан кейин ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилган.

Супасимон табиий асосга қурилган, хар қандай одамнинг эътиборини тортадиган бу ёдгорликнинг XX асрдаги тақдир оғир кечди. Эътибордан четда қолди, қайта қуриш, таъмирлаш ишлари бажарилмади. Бажарилганда ҳам тарихий-илмий асослардан йироқ тарзда амалга оширилди. Масжид биноси маълум фурсат ёпилиб, омонроҳона вазифини ҳам ўтати. Унинг деворларидан нақшу ниҳорлар, беақларга зиён етказилди. Айвондаги устулардан бири Самарқанд хунармандчилиги хос бўлмаган шакл-шамойиллар билан безатилди. Натияжада бу ерда зиёратга келувчиларда масжид ҳақида нотўғри қарашлар, халқ амалий санъатимиз, хунармандчилик тўғрисида нотўғри таассуротлар қайдо бўла бошлади. Масжид атрофини ўраб олган савдо дўқончалари, вақтинча тикланган иморатлар ҳам ёдгорликнинг олдини тўсиб қўйган эди. Биринчи Президентимиз Самарқандда ташриф буюриганида, масжидни кўздан кечириб асосида унинг атрофини очиб, орқа ва олд томонларини кенгайтириш, олд томонидан ўтган катта йўлни ёдгорликдан узоқлаштириш вазифасини қўйди. Шу асосда масжидни тарихий асосда қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари бошланди.

Ёдгорликни таъмирлаш жараёнида Юртбошимиз масжид айвониданг устулардан бирига эътиборимизни қаратди, — деб эслайди моҳир уста, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдунаби Абдуллоев. — Айвоннинг ҳамма томонларидан келадиган ёғочларни бирлаштириб турган бу марказий усту фалати шакллари билан безатилган, қўришни ҳам бошқа устулардан бўлакча эди. Устларимиз устунни жиддий равишда текширидилар. Шунда унинг бир “сири” очилди. Устуннинг пастки 1-1,5 метрлик асоси чиринган, шу жойлар билнимаслиги учун унинг усти бўялиб, хар хил шакллар қилинган экан. Натияжада масжид учун ҳам, одамлар ҳаёти учун ҳам хавфли бўлган бу усту ўрнига юртимиз қайрақчиларидан Самарқанд хунармандчилигига хос усулда ясалган усту қўйилди.

Ҳазрати Хизр масжиди қайтадан тикланиб, шаҳарнинг обод масканига айланди.

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси ва Ҳазрати Хизр масжидининг қайта тикланиши ва таъмирланиши жараёнида яна бир тарихий ҳақиқат тикланди. Самарқанднинг, Афросиёбнинг ёши илгари шўролар даврида белги-ланганидек 2500 йил эмас, балки ундан ҳам қадимийроқ тарихга эга эканлиги маълум бўлди. Буни Афросиёбда илмий изланишлар ва қазинма олиб бораётган турли мамлакатлар археологлари ҳам тан олинди. 2007 йилда унинг 2750 йиллик юбилейи нишонланди.

Бугун Самарқандга борсангиз, шаҳарнинг обод ва кўркам замонавий киефасида тикланиб, таъмирланиб гўзаллик ва муҳташамлик касб этган Жоме масжиди, Регистон ансамбли, Амир Темури макбараси, Бибиҳоним макбараси ва бошқалар кўзга ташланади. Улар сафидан эндиликда асл киефасига кирган, кўп минг йиллик тарих тикланган Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси ҳамда Ҳазрати Хизр масжиди ҳам ўрин олди. Бу ноб ёдгорликлар пиллапояларидан юқорига кўтарилар экансиз, тарих ва бугун, бугун ва келажак ўртасидаги бунёдкорлик ришталарини кўргандай бўласиз. Бу гўзалликларнинг яратувчиси бунёдкор халқимиз бўлса, уни истиқлол даврида асл тарихий ҳолида қайта қурдириб, таъмирлатиб, халқимизнинг бетимсол маънавий бойлигига айлантирган улуг инсон мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳисобланади. Шунинг учун унинг юртимиз тарихини тиклаш, маданий бойликларимизни қайта бунёд этиш, келажак авлодлар бойлигига айлантириш борасидаги хайрли ишлари халқимиз хотирасидан ўчмайди. Бу улуг зотни миллатимиз ҳамиша эҳтиром билан эслайди.

Самарқанд ЮНЕСКО томонидан археологик музей-шаҳар сифатида жаҳон моддий ва маънавий ёдгорликлари рўйхатига киритилганини назарда тутсақ, муҳташам тарихий обидалар бутун башариятнинг мулки ҳисобланади. Шу сабабли ЮНЕСКО вакиллари Шоҳи Зинда, Ҳазрати Хизр ёдгорликларидан Юртбошимиз бошчилигида олиб борилган қайта тиклаш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Халқимиз кўли билан яратилган башариятнинг бундай тенгсиз бойлиги бизнинг фахр ва ифтихоримиз, ажодларимиз даҳосининг бетимсол мўъжизасидир.

# “ШОҲИ ЗИНДА”: ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ТАРИХ

рини олиб боришни давлат аҳамиятига молик муҳим вазифа, деб белгиланган эди.

Ёдгорликни қайта тиклаш ва таъмирлашда фақат усталар эмас, олимлар, муҳандислар, меъморлар, археологлар, тарихчилар, диний идораларнинг вакиллари, ободонлаштириш ва коммунал хизмат ташкилотлари ходимлари ҳам қатнашдилар. Барча ишлар илмий лойиҳа ва муайян концепция асосида олиб борилди.

Мажмуа ҳам бўйига, ҳам энига ортикча тупроқлардан тозаланди. У икки томондан ҳам энига кенгайди. Ёдгорликлар билан қабристон ўртасида химоя деворлари қурилди. Макбаралар, масжидларнинг пойдеворлари мустаҳкам асосда тикланди. Мажмуа тўла даражада ер ости сизов ва ёмғир сувларидан ҳимояланди. Шоҳи Зиндага кириш дарвозаси олди ихоталаниб, гулзор ва хиёбонга айлантирилди.

Мажмуага қираверинидаги арк-айвон пештоғи қаршида қазин ишлари қизғин бораётган пайтда экскаваторнинг кураги қаттиқ нарасга урилди. Археологлар бу жойдан узок вақт йўл остида қолиб кетган XVI асрга мансуб ҳаммомнинг бир қисмини топдилар. Сув иситиладиган катта-катта хумлар, ювиниш хоналари, ўчоқлар, тош йўлаклар асл ҳолида сақланиб қолган. Ушбу ёдгорлик бор ҳолича муҳофазага олинди. Бу ерда ҳаммомнинг бўлиши бежиз эмас. Аждодларимиз Шоҳи Зиндага — қабристонга киришда покланиб, ўганларнинг руҳини эъзозлаганлар.

— Қайта тиклаш жараёнида бундай археологик ёдгорликлар кўплаб топилди, — дейди археолог Темури Ширинов. — Мажмуанинг ўрта қисмидаги саккиз қиррали макбара билан Қусам ибн Аббос макбараси оралиғида илгари тупроқ уюмидан иборат яланглик бор эди. Бу тупроқ уюми олиб ташлангандан кейин катта масжид ўрни, макбараларнинг остки қисми, ўймакор қабрлар ва бошқа нишоотларнинг қолдиқлари топилди. Бу ёдгорликларни қадимшуносларимиз XIII-XIV асрларга оид деб баҳоладилар. Худди ана шундай нишоотлар чилзинанинг қунчиқар томонидаги тепалик остидан ҳам чиқди.

Мажмуани таъмирлаш натижасида кўплаб тарихий маълумотларга ҳам аниқлик киритилди. Авваллари алломалар, улуг шахсларга алоқадор деб ҳисобланган баъзи макбараларга аёллар кўмилгани, номалум қабрлар қимиларга тегишли эканлиги аниқланди. Макбаралар остидаги қабрларнинг кириш жойлари, йўл ости йўллари очилди. Маълумки, Шоҳи Зиндадаги макбараларнинг деярли ҳаммаси худди Амир Темури макбараси каби устки ва остки қисмлардан иборат. Макбараларнинг устки қисмларидан зиёратчилар учун рамзий қабрлар ўрнатилган бўлиб, майитлар остки дахмаларга кўмилган. Авваллари ана шу дахмаларга кириш йўллари топилмаганди. Қайта тиклаш ишларидан сўнг йўлаклар очилди.

верган эканмиз. Аждодларимиз ана шундай юксак санъат эгалари бўлишган. Хали бундай тарихлардан яна қанчасини аниқлашимиз керак...

Бу ерда масжидлар, аркли айвонлар, тўртбурчак, кўп қиррали, айланма шаклидаги макбаралар, турли хил баландликдаги миноралар, ўймакор қабр тошлари каби Ўрта Осиё меъморчилигининг барча кўринишлари мавжуд. Хар бир бино, масжид ва макбарани қурилишидан тортиб безатилишигача ўзига хос, бир-бирини тақрорламайди. Маълумки, биноларни майолика билан безаш ишлари дунёда Ўрта Осиё, Эрон, Хиндистон хунармандчилик мактаблари вакиллари томонидан амалга ошириб келинган. Бошқа ўлка хунармандлари эса бундай амалий санъат сирларидан воқиф бўлмаганлар.

Шу сабабли XX асрга юртимизда беақли қозин, ўйма ва бўртма майолика тайёрлаш унутула бошланган эди. Аждодларимизнинг уларни тайёрлашга доир сирларини билмаслигимиз натижасида XX асрда таъмирланган ёдгорликларнинг умрзоқлиги сақланмади ва тайёрланган қозинлар, майолика, терракота беақлари вақт синовига дош беролмади. Шунинг учун Шоҳи Зинда таъмирлаш жараёнида қозин, терракота, майолика тайёрлашнинг янги-янги усуллари синовдан ўтказилди. Натияжа яқин бўлди. Аждодларимизга хос қозинпазлик сирлари ўрганилди ва таъмирлаш ишларида улардан фойдаланилди. Обидалар асл ҳолига келтирилди. “Буларнинг бари фаолиятимиз учун янгилик бўлди, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазири ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуасфур Раҳмонов. — Республикамызда фаолият юритаётган 700 дан ошқик хунарманд қадимий ёдгорликларни қайта тиклаш, таъмирлашнинг барча услубларини яқин билладилар. Шу сабабли бу устларнинг ҳаммаси Шоҳи Зинда ёдгорликларини таъмирлашда қатнашдилар”.

Шоҳи Зиндада бошланган ободонлаштириш ишларига хар қим қўлидан келганга ўз хисасини қўшди. Қимдир тупроқ таниди, қимдир гишт теришга ёрдан берди. Яна қимдир химмат қўратиб, бу ерда ишлаётганлар учун дастурхон тузади, устларни сийлади. Боболарнинг дуолари ишлаётганларнинг руҳини кўтарди. Халқимизнинг тарихимизга, аждодлар меросига эҳтиромни бу ерда ҳам намоеън бўлди.

Йигирмадан ортик иморатларни ўз бағрига олган ёдгорлик мажмуада қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етди. Қусам ибн Аббос қабри ва масжиди, Туркон оқа, Туман оқа, Шоди Мулк оқа, Ширинбека оқа, Туғли Текин макбаралари, Жоме масжиди, Амрзода, Амир Бурундук, Хўжа Аҳмад, Қозизода Румийга нисбат берилувчи хилхоналар ниҳоятда гўзал ва кўркам киефа касб этди. Чилзина атрофиданг иморатларнинг гумбазлари, равоқлари асл ҳолига келтирилди. Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдулазиз томонидан барпо этирилган, мажму-

ши билан бу борадаги ишлар ҳам ўз ижобий ечимини топди.

Бугун мажмуадан зиёратчиларнинг кети узилмайди.

— Мен Самарқандга 25 йил илгари келган эдим. Аввал кўрганларим билан бугунги манзара ўртасида катта фарқ бор. Қадимдан келадиган юксак маданиятнинг асраб-авайлаш, халқнинг ўзига хослигини намоеън этиш учун кўп ҳаракат қилинмоқда, — дейди германиялик сайёҳ Генрих Хоффман. — Эндиликда бу ерда халқнинг урф-одатлари, ўзига хос гўзал анъаналари, маросимлари ҳам тикланибди. Халқнинг тарих билан боғлиқ юксак руҳияти, улдувор туйғулари уйғонибди. Бу ўзлигини англаган халқнинг буюк қудратини намоеън этди. Менинг назаримда, Самарқанд шу ҳолатида инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажакнинг кўрсатиб турибди.

Қадимий Афросиёб худудидаги қайта қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари Шоҳи Зинда ёдгорлиги билангина чекланиб қолмади. Биринчи Президентимиз Шоҳи Зинданг гарбий томонида жойлашган Ҳазрати Хизр масжидини таъмирлаш ишларининг ҳам ташаббускори бўлди. Маълумки, бу маскани тарихчилар Самарқанддаги, умуман, Ўрта Осиёдаги биринчи мусулмон масжиди деб маълумот берадилар. Унинг қурилиш санасини VII асрга мансуб, деб ёзадилар. Шаҳарнинг энг баланд нуқталаридан бирига жойлашган бу масжиднинг қурилишида халқимизнинг ақл-заковати, бунёдкорлиги намоеън бўлган.

Масжид қадимда шаҳардан четда жойлашган. Унинг яқинида Кеш дарвозаси бўлган. Бу дарвозадан шаҳарга Бақтрия, Хиндистон, Эрон, Хитойдан келган қаровонлар кирган. Шу сабабли масжид мусулмон оламида машҳур бўлган. Масжид ниҳоятда обод жойда

# Муаллим — маърифат сарбони

«Давоми. Бошланғич 1-бетда»

Биргина мисол. Мен собиқ иттифок тузуми даврида ўқитувчи сифатида қарийб 20 йил фаолият юртим. Агар адолат нуқтаи назаридан айтадиган бўлсам, қандай хурмат қўрдим? Нима топдим? Тўғриси, ҳеч нарса.

Истиқлол шарофати туфайли дастлаб «Халқ таълими аълочили» кўкрак нишони билан тақдирландим.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси «Фахрий ёрлиғи», 1996 йилда «Меҳнат шўхрати» орденига лойиқ топилдим. 2007 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўраган халқ таълими ходими» унвони билан мукофотландим.

Қувонарлиси, «Соғлом она ва бола йили» менинг ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Энг улғу, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйи арафасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти фармонида кўра «Ўзбекистон Кахрамони» унвони билан тақдирландим.

Албатта, шундай жаннатмонанд юртда битта ўқитувчига хурмат бўлса, шундай бўлади-да. Буларнинг барчаси нимадан? Истиқлолдан. У ато қилган дориламон кунлардан. Мамлакатимиз ёшлари жаҳонда ҳеч қимдан кам эмаслигини намоён қилаётган, юртимизда яхши кунлар бир-бирига уланаётган шундай нурафшон кунларда бошим кўкка етди. Оддий ўқитувчини, ўзингиз айтинг, бу қадар улғулаш дунёнинг бошқа бирон-бир мамлакатда борми ахир!

Мен оддий ўқитувчиман. Қарши шаҳар умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган 3227 нафар педагог ҳамкасбларим билан ҳамкорликда истиқболимиз эгаларини ҳар томонлама қамол инсонлар этиб тарбиялаш ишига баҳоли қудрат хисса қўшамиз. Ўзбекистонимизнинг келажакда буюк давлатга айланишига чин дилдан имон келтириб, она сифатида қалбим гурурга тўлади. Негаки, қайсики давлатда таълим йўналишига устувор соҳа сифатида эътибор қаратилиб, етарли маблағ ажратилар экан, ўша мамлакатнинг келажаги буюк бўлади.

*Хуллас, юртимиз келажagini бевосита белгилаб берувчи мазкур соҳа мустақкам ҳуқуқий пойдеворга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ривож топиб бормоқда. Мен ана шу йўналишда хизмат қилаётганимдан, авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек мақсад йўлида куч-ғайрат сарфлаётганимдан бениҳоя мамнунман. Халқимизнинг ёш авлод камолоти йўлида қилаётган савий-ҳаракати, мустақиллиги, ҳурлиги, энг муҳими, саводатли кунлари боқий бўлсин! Ўқитувчи ва мураббийларнинг касб байрами билан республикамиздаги барча меҳридарё, қалби пок устозларни чин дилдан муборакбод этаман.*

**Муҳаббат ШАРАПОВА,**  
Ўзбекистон Кахрамони, Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси

Партиянинг бош вазифаси мамлакатимиз таълим тизимининг фуқароларнинг қол-қол шакллар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоён этадиган, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши аъёнларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат.

(Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)

# Сизга таъзимдаимиз, азиз устозлар!

«Давоми. Бошланғич 1-бетда»

Фидойи, заҳматқаш ўқитувчилар ўз шогирдларига билим бериш баробарида улар қалбига инсонга хос энг гўзал эзгу хислатларни, меҳр-оқибат ва одамийлик туйғуларини синдириб боради. Турли йўналишларда ўз иқтидори, маҳорати ва билим салоҳияти билан юқори натижаларга эришиб келаётган ўқитувчиларимизнинг муваффақиятлари замирида, аввало, азиз устозларнинг заҳматли меҳнатлари мужассам.

Мамлакатимизда 1 октябрь — «Ўқитувчи ва мураббийлар кунини» деб ўйин қилинганлиги мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётига улкан хисса қўшаётган минг-миглаб ўқитувчилар, устоз ва мураббийлар меҳнатининг юксак эътирофи, уларга билдирилган ҳурмат ва эътибор намунасидир. Юртимизда таълим соҳаси равиқ топиб, бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун ҳар йили давлат бюджетидан катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани дунё эътирофига сазовор бўлаётган юксалишларнинг ёрқин намунаси.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда қўллаб-қўллаб янги-янги таълим масканлари бунёд этилганлиги ташна ўқитувчиларимизни янада янги куч-ғайрат билан ўқишга, забардаст мураббий ва ўқитувчиларни эса шижоат билан ишлашга ундагани шубҳасиз.

Шунингдек, фан ҳамда ўқув-лаборатория хоналари замонавий таълим стандартлари асосида жиҳозланди, ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Чет тили фани ўқитувчилари малака ошириш курсларида ўқитилиб, ушбу

фани ўқитишнинг янги ва самарали усуллари қўлланила бошлади. Айтиш мумкинки, бугун барча таълим даргоҳларида малакали, етук илмий салоҳиятга эга, янгича фикрлайдиган, чет тилларини яхши ўзлаштирган педагог ходимлар фаолият қўрашиб келаяпти. Улар ҳар йили шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллашмоқда.

Ҳар жиҳатдан етук, интеллектуал ривожланган, билимли ва тафаккур олами кенг ёшларни тарбиялаш педагог ходимларнинг асосий мақсади саналади. «Таълим тўғрисида»-ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ушбу олиқ мақсадларни амалга оширишда асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Муҳими, таълим-тарбия мазмуни тубдан янгиланиб, амалиётга ўқитишнинг янги ва замонавий услублари жорий этилди. Ўқитувчилар ўртасида соғлом рақобат юзага келишига им-

кон берувчи тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мактаб директори», «Йилнинг энг яхши маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари», «Маҳоратли ёш педагог» танловлари, ўқувчилар ўртасида фан олимпиадалари, Билимлар беллашуви, «Ҳуқуқ билимдонлари», «Инглиз тили билимдонлари» кўрик-танловлари шундай мақсадларда ташкил этилган. Шу ўринда таъкидлаш лозим, мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи юқори малакали мутахассислар, педагоглар, бир сўз билан айтганда, меҳнатқаш инсон деб ҳисоблайдиган Ўзбекистон «Адолат» СДП ўтказилаётган кўрик-танловлар, мусобақа ҳамда беллашувлар ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришда, ўқувчиларнинг ижодий қобилияти ва иқтидорларини қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутишини қайд этади.

*Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, азалдан билимлар қасри бўлган мактаблар қутлуг даргоҳ саналган. Энг асосийси, унда келажакимизнинг мустақкам пойдеворлари қўйилади. Шунини фахр билан айтиш мумкинки, истиқлол йилларида мактабларимиз ана шундай юксалиш пиллапояларидан дадил қадам ташлади ва у бахтиёр ўқитувчиларимизнинг энг севимли даргоҳига айланди. Ёш авлоднинг маънаванг, тафаккур олами кенг ва билимли инсонлар этиб тарбиялаётган ўқитувчи-мураббийлар тимсолида эртанги кунимизнинг порлоқ келажagini, Ватанимиз тараққиёти учун сидқидилдан хизмат қилувчи ўқитувчиларимиз бахтини кўраимиз. Юраги ғайрат-шижоатга тўла, ёшлар тарбияси йўлидаги масъулиятли вазифани ўз зиммаларига олган устозларга миннатдорлик билдирамиз.*

**Дилором АДИЛОВА,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Сийсий Кенгаши Марказий аппарати сектор мудирини

# Иқтидорли ёшлар маскани

➤ ЭЪТИРОФ

Бугун юртимизнинг қайси бир ҳудудига борманг, у ердаги улкан ўзгаришлар, энг муҳташам ва энг кўркем мактаб, лицей, коллежлар, маданият ва спорт масканларининг қад ростлаганига гувоҳ бўламиз.


Бу эса, албатта, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига, юртининг барча ёшларига оталарча ғамхўрлик қилган, уларга кенг имкониятлар эшикларини очиб берган беназир инсон Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуғаниевич Қаримов меҳнатларининг самарасидир.

Мустақилликнинг илк йилларида қолган соҳалар каби бугун мамлакат миқёсида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Шу мақсадда юртимизда таълимни ривожлантириш бўйича Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, мактаб таълимининг ривожлантириш умумий миллий дастури қабул қилинди. Булар ҳаёда ўз самарасини бермоқда. Айниқса, янги-янги илм муассасаларининг очилиши, уларнинг ўқув ва моддий-техник базасини мустақкамлаш борасида асарларга татиқли ишлар амалга оширилди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида истиқлолнинг 19 йиллиги арафасида пойтахтимизда Турин политехника университети фаолияти йўлга қўйилганлиги ҳам муҳим тарихий воқеа бўлди.

Ҳаёт мамлакатимизда миллий машинасозликнинг янада тараққиёт этиришда назарий жилаҳтар билан қифояланиб қолмай, амалий ишларга ҳам устувор вазифа сифатида эътибор қаратишимизни, мамлакатимизда тайёрланаётган энгил автомобилларни замон талаблари даражасида таъминлаштиришга қодир

малакали кадрлар етиштиришимизни тақозо эта бошлади. Биринчи Президентимиз ана шуларни хисобга олиб, 2009 йил 27 апрелда «Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Унда мазкур илм даргоҳининг бош вазифаси Италиядаги Турин политехника университетиде қабул қилинган таълим дастурига ҳамда олиқ таълим сифатида қўйилган умумий эътироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Қадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад-вазифаларига мувофиқ машинасозлик ва электротехника санаяти, энергетика, санаят ва ҳўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш, қорхона, ташкилотлар учун юқори малакали мутахассислар етказиб беришдан иборат бўлиши лозимлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Республикамиз Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллиги бағишланган тантанали маъросимдаги маърузасида муҳтарам Юртбошимиз университетнинг Ватанимиз таълим тизимидеги юқори нуфузини яна бир бор таъкидлаб, шундай фикрларни айтган эди: «Жорий йилда Тошкент шаҳрида Турин политехника университети янги, замонавий ўқув комплексининг барпо этилгани биз учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Ушбу



ЎЗА фотоси

олиқ ўқув юрти мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автомобиль санаяти ва бошқа тармақлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган маскан бўлиб хизмат қилади.

Хозирги кунда университетимизнинг талаба-ёшлари таълимнинг машинасозлик технологиялари, энергетика, санаят-ҳўжалик қурилиши ва архитектура, санаят-ахборот технологиялари ва бошқаруви автоматлаштирилган тизими йўналишлари бўйича тахсил олмақда.

Энг муҳими, талабалар назарий билимларини шу ернинг ўзидаёқ синновдан ўтказиш, эгаллаётган ихтисосликларни бўйича амалий қўникма ва тажриба орттириш имкониятига эга.

Таъкидлаш жоизки, бу каби улкан имкониятларга эга бўлган

ушбу даргоҳда тахсил олаётган йигит-қизлар бугун турли халқаро танлов ва кўргазмаларда улкан натижаларни қўлга киритиб, буюк аждодларининг муносиб ворислари ва ҳеч қимдан кам эмасликларини исботлашмоқда. Бу эса, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳаётимиздаги ижодий маънодаги

Ишонч билан шунини айтишимиз мумкинки, университетимиз ёшлари ўз истеъодлари, яратувчанлик иқтидорлари ва интеллектуал салоҳиятлари билан диёримизнинг янада гуллаб-яшнашига, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори хар доимидан юксалишига катта хисса қўшадилар ва муҳтарам Юртбошимиз орзу қилганидек, барқамол авлод бўлишга интилиб яшайдилар.

**Гулбоҳар АЛЛАМОВА,**  
Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи  
**Барно ТЎХТАНАЗАРОВА,**  
университет ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди



«ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатда кучли фуқаролик жамиятини барқарор ривожлантиришни таъминлашга ва ижтимоий шерикликни янада рағбатлантиришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзусида

ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг грантлари ажратилган молик лойиҳаларига Давлат ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. «Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан» шiori остида маҳаллаларда, айниқса, ёшлар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустақкамлашда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини юксалтириш;
2. Ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлаш, айниқса, уюшмаган ва тарбияси муаммоли ёшлар ўртасида турли йўналиш ва мавзуларда, хусусан, «Мен Ватанимни севаман», «Жамиятда менинг ўрним бор» мавзусида турмуш тадбирлар ўтказиш;
3. Халқ таълими бўлими ва бошқармалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ижтимоий шерикликда Асосий қонуннинг мазмун ва моҳиятини тушунтириб беришга қаратилган маърифий-тарғибот ишларини ташкил этиш, «Мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганаман» шiori остида турли кўргазмали материаллар тайёрлаш ва тарқатиш;
4. Маданият ва спорт муассасалари билан шерикликда ёшлар ўртасида халқ спортини ўйинларини омдалаштириш, ёшларнинг бўш вақтларини маданий ташкил этиш, қишлоқ қизларини бадий гимнастика ва спортга кенг жалб қилиш;
5. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ижтимоий шерикликни кучайтириш, уларни Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ёт гоълардан асраш;
6. Қишлоқ жойларида чет тилларни, Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг маданиятини, санъатини ва адабиётини ўрганишда миллий-маданий марказлар, дўстлик жамиятлари билан амалий ижтимоий шерикликни мустақкамлаш;
7. Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларидан ахборот берувчи кўргазмали материалларни маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда тайёрлаш ва тарқатиш, аҳоли кенг қатламлари орасида тушунтириш ишларини кучайтириш;
8. Жойлардаги маҳаллий давлат органларига аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжман қатламлари — аёллар, ёшлар ва ногиронларнинг доимий бандлигини таъминлашга, уларни халқ хонарамчилиги тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш, оилавий бизнес ва тадбиркорликнинг турли шаклларида жалб қилишга кўмаклашиш;
9. Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлашда жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаолиятига кўмак кўрсатиш;
10. Савдо-саноат палатаси, бизнес субъектлари ва молия институтлари билан ҳамкорликда чиқиндиларни иқтисодий қайта ишлаш технологияларини жорий этиш, маҳаллалар ободлигини, аҳоли бандлигини ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш;
11. Соғлиқни сақлаш муассасалари билан ижтимоий шерикликда юқумли касалликлар профилактикаси тўғрисида аҳолининг бағдорлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этиш;
12. Меҳнат мигрантларининг оила аъзоларига тиббий кўрикдан ўтишининг зарурлигини кенг тушунтириш, уларга ижтимоий-психологик ва тиббий-гуманитар хизматлар кўрсатиш ҳамда бандлигини таъминлаш борасида маҳаллий ижтимоий органлари билан ҳамкорликда режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;
13. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий барқарорликни, тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш борасида ижтимоий шерикликни кучайтириш;
14. Ёшларнинг тиббий-экологик ва ижтимоий-маънавий маданиятини юксалтиришда ННТ ва ОАВ ўртасида ҳамкорликни кучайтириш;
15. Демократик ислохотлар натижасининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида аҳоли ва жаҳон жамоатчилигини кенг қўламда бағдор қилиш, жамиятда бунёдкорлик, яратувчанлик ва эртанги кунга ишонч муҳитини мустақкамлаш;
16. Босма ОАВ ва ахборот агентликлари материалларининг профессионал, мафқуравий ва бадий даражасини ошириш;
17. Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларининг фуқароларнинг, айниқса, жамиятни ислоҳ қилиш ва янгиланишнинг таъини ва ҳал этувчи кучи сифатида ёшларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий онгига ижодий таъсирини кучайтириш;
18. Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларининг ёш журналист ва техник ходимлари маҳорати ва ижодий фаолиятини юксалтириш;
19. Очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва ифода этишда ОАВларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш;
20. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишнинг зарурий шартини сифатида фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини ошириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тақдирланган кузатув хати;
2. www.fundngo.uz сайтыда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириг ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низомини) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия қилган илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача. Ҳужжатлар 2016 йил 20 сентябрдан 20 октябргача қабул қилинади. Ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди» номида «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй. Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

# Аждодлар мероси

## БЕБАҶО ХАЗИНА

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин юртимиз, халқимиз тарихини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳаққоний тадқиқ этиш, қадимий манбаларни ҳолилик билан асл ҳолида тиклаш, давлатчилик тарихининг илдиэларини очиб бериш республикамиз маданий, маънавий ҳаётидаги асосий масалалардан бирига айланди.

## Халқ даҳосининг тимсоли



Тарихий ҳақиқатни тиклаш давлат сиёсати даражасида белгиланди. Бу ҳаётий зарурат эди. Чунки ўз озодлигини, эркини қўлга киритган халқ кўп асрлар давомида босиб ўтган тарихий йўлини аниқ билиши, буюк аждодлар меросидан тўла баҳраманд бўлиши керак эди. Бу миллатимизнинг ўзлигини англаб етиши, истибод даврида топталган гурурини тиклаши, юксалтириши, мамлакатимизнинг келажак йўлини белгилаб олиши учун хизмат қиларди. Ушбу ишларни амалга оширишда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг мустақилликнинг илк йилларида тарихчи олимлар билан учрашувда ўртага ташлаган "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" деган ғоявий концепцияси асос бўлди.

Тарихимизни ҳаққоний ёритишда халқимизнинг яратувчилик фаолияти билан боғлиқ бўлган қадимий шахарларимиздаги ёдгорликлар, обидалар, иншоотларни қайта қуриш, таъмирлаш, асл ҳолида бўлиб этиш каби ишларга алоҳида эътибор берилди. Бу бежиз эмасди. Чунки бу маданий бойликлар тарихимизнинг асл манбалари, жонли гувоҳлари, илмий асослари ҳисобланади. Маълумки, мамлакатимизда 7198 та тарихий ёдгорликлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан 2357 тасини мейморий обидалар, 3843 тасини археологик ёдгорликлар, 998 тасини маҳобатли тарихий иншоотлар ташкил қилади. Бу рақамлар мамлакатимизни нафкат Шарқда, балки бутун дунёда тарихий маданий ёдгорликларга бой ўлкалардан бири сифатида намоён этади. Шулар орасида тарихий мейморий обидалар алоҳида ўрин тутарди.

Ортимиз мустақилликка эришишдан олдин бу мейморий ёдгорликлар, обидаларнинг аксарияти

бузилган, таъмир қилинмаган, ярим вайрона ҳолатларда эди. Президентимиз, биринчи навбатда, ана шундай иншоотларни, ёдгорликларни қайта қуриш, таъмирлаш, асл тарихий асосда бўлиб этишига эътиборни қаратди. Энг аввало, бу борадаги иш республикамизнинг энг йирик тарихий шахарларидаги ёдгорликлардан бошланди. Самарқандда Регистон, Рухобод, Хожа Ахрор Вали, Жомъе масжиди, Чорсу мажмуалари, Амир Темур, Бибихоним макбаралари, Хизрати Хизр масжиди, Мирзо Улугбек расадхонаси, Нодир Девонбег мадрасаси, Бухородаги Чашмаи Аюб, Боло ховуз, Чор минор, Арк, Лаби ховуз мажмуалари, Калон минораси, Мағоки аттор, Калон, Қўшбеги, Токи-Саррофон, Музаффархон масжидлари, Толипов дарвозаси, Мир Араб, Мирзо Улугбек, Кўқалдош, Абдуллахон, Тош сарой мадрасалари қайтадан, асл тарихий кифасида қад ростлади. Хивадаги Кўхна Арк, Тош ховли, Қибла тоза бов, Дипшон калъа, Нуруллабой мажмуалари, Ичон калъа девори, дарвозалари, Жума масжиди, Мухаммад Аминхон, Феруз, Ислоҳ Хўжа мадрасалари, Кўқондаги Худоберхон ўрдаси, Жомъе масжиди, Норбўтабий, Миён Хафрат мадрасалари, Қаршидаги Одина масжиди, қадимий кўприк, Хожан Жарроҳ, Чор Гумбаз мажмуалари, Қилчбой, Беқимр мадрасалари тарихнинг ноёб мероси — подир ёдгорликлар, осори-атикалар, иншоотлар сифатида қайта тикланди, таъмирланди, халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Худди шундай улдуғор ишлар Тошкентда Хазрати имом, Шайх Хованд Тоҳур, Зангиота мажмуаларида, Кўқалдош мадрасасида, Термизда Султон Саодат, Қирқ киз, Хаким ат-Термизий мажмуаларида, Шахри-

сабдаги Оксарой, Дор ут-тиловат, Гумбази сайидон, Дор ус-сиёдат мажмуаларида ҳам олиб борилди. Булардан ташқари, Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда, Имом ал-Бухорий, Хожа Дониёр мажмуалари, Бухородаги Лаби ховуз, Калон масжиди, Чор Бакр, Арк мейморий ёдгорликлари, Шахрисабздаги Кўкғумбаз, Дор ус-сиёдат, Оксарой обидалар туркуми, Марғилондаги Пири Сиддик, Саид Аҳмад мерос объектлари, Хивадаги Ичон калъа шахристониди ноидир ёдгорликлари, Тошкентдаги Хасати Имом мейморий иншоотлари, Термиздаги термизийлар қадамжолари тарихий кўринишга монанд тикланди. Айни пайтда, улдуғ аждодларимиз Юсуф Ҳамдоний, Султон Увайс Қораний, Исо ат-Термизий, Маҳдуми Аъзам, Абу Хафса Кабир каби алломаларимиз номлари билан аталадиган 50 дан ортиқ муқаддас зияратгоҳлар ҳам қайта бўлиб этилиб, халқимизнинг оёғи узилмайдиган обод ва гўзал масканларга айланди.

Ортимизда мустақиллик йилларида маданий мерос объектларини қайта қуриш, таъмирлаш ва ободлаштириш билан биргаликда ўтмишда яшаб ўтган улдуғ алломалар, машҳур ижодкорлар, буюк сиймолар меросини ўрганиш, номларини улдуғлаш, хотираларини абадийлаштириш борасида ҳам улдуғ ишлар қилинди. Улдуғ мутафаккир, математика ва алгебра фанлари асосчиси Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, буюк астроном, тарихда номи қайта тикланган аллома Аҳмад Фароний, табобат илмининг султони, тиб илми конунларини яратган Абу Али ибн Сино, ўрта асрлар астрономия илмининг улдуғ намояниси Мирзо Улугбек, мумтоз шеърятининг ўлмас даҳоси Алишер Навоий хайкалларининг ўрнатилиши мана шу даврда

кечди. Атоқли мутақаллим Абу Мансур Мотурудий, буюк фақиҳ, "Хидоя" асари муаллифи Бурхониддин Марғишоний, улдуғ муҳаддис Имом ал-Бухорий, Хожан тарикатининг машҳур намояниси Абдуллоҳиқ Гияздуновий, нақибандия тарикатининг асосчиси Баҳоруддин Нақшбандий, мутасаввуф аллома, улдуғ шоир Паҳлавон Маҳмуд, халққа кўп яхшиликлар қилган, Хазрати Имом номи билан машҳур бўлган Шайх Кафқол Шойиш макбараларининг ва муқаддас қадамжоларининг тикланиши, қайта қурилиши, обод қилиниши истисқолга эришганимиз салариб юз берди. Тарихимизнинг ўлмас сиймолари, халқимиз ва Ватанимиз озодлиги учун курашган Жалолиддин Мангуберди, Шарқда қудратли ва адолатли давлат яратган Амир Темур, ҳам шоир, ҳам давлат арбоби сифатида табиқан Захириддин Муҳаммад Бобур мажмуалари, хайкаллари юртимиз мустақиллигининг шарофати тўғрисида тикланди. Мана шундай буюк мутафаккирлар, улдуғ сиймоларнинг халқро доирада бир неча юз ва минг йиллик тўғрисида ўтказилди. Ўзбекистон дунё тамаддунига бекиб хисса қўшган буюк даҳолар юрти эканлиги эътироф этилди.

Умуман, республикамизда мустақиллик йилларида мингдан

ортиқ тарихий ёдгорликлар қайта қурилиб, таъмирдан чиқарилди. Бу ишлар учун бир неча юз миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Тарихий меросимиз тикланди, қадриятларимиз қарор топти. Ортимизда амалга оширилган улдуғор ишлар халқро миқёсда ҳам тан олинди. Мамлакатимиздаги тўртта қадимий шахар — Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз халқро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан Бутун жаҳон моддий маданият намуналарига эга бўлган тарихий шахарлар рўйхатига киритилди. 2007 йилда Тошкент шаҳри таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислоҳ ташкилоти — АЙСЕКО томонидан "Ислоҳ маданияти пойтахти", деб эълон қилинди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ва ЮНЕСКО халқро ташкилотининг қарорларига кўра, Самарқанд шаҳрининг 2750, Шахрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700, Бухоро, Хива, Термиз шаҳарларининг 2500, Тошкент ва Марғилон шаҳарларининг 2200, 2000 йиллик тўғрисида дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликда нишонланди. Буларнинг ҳаммаси истисқол йилларида Ўзбекистоннинг тарихини бойитиш, янгилаш билан биргаликда унинг дунёвий нуфузини ошириш, халқро даражада мавқени юксалтирди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти бошлаган хайро ишлар республикамизда бугун ҳам давом этмоқда. Шахрисабз шаҳрида, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм, Бухоро вилоятларидаги тарихий ёдгорликларда олиб борилаётган қайта қуриш, таъмирлаш, бунёдкорлик ишлари шундан дарак беради. Шубҳасиз, тарихни ўрганиш, тарихнинг бир қисми бўлган ёдгорликлар, обидаларни қайта қуриш, таъмирлаш бундан кейин ҳам давом этади, тарихнинг келажак пойдевори сифатидаги мавқени ошаверади.

**Тоштемир ТУРДИЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

## ЭҶТИРОМ

Бугун, Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида беҳитёр ҳазрат Алишер Навоийнинг бир шох байти ёдимга тушаверади:  
Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

## "МЕҶР НУРИ ЁҶАР ӨӨИМ..."

Дарҳақиқат, бизнинг саводимизни чиқарган, бизга таълим берган устозларимиз ҳақида хар қанча гапирсак, уларга ўз самимий эҳтиромимизни хар қанча изҳор қилсак оз. Ахир, бежиз касблар ичида энг улдуғ мураббийлик дейилмайди.

Дунёни англаш, ўзликини англаш илмдан бошланади. Илм қалити эса муаллимларимиз қўлидадир.

Ортимиз таълим муассасаларида устозларимиз бизга фидойлик ила сабоқ бериб, дунё сир-синоатларини ўргатишмоқда. Энг муҳими, биз улардан тарбия сабоқларини ҳам олмоқдамиз. Зеро, бугунги кунда юртимизга маънавияти юксак, қомил инсонлар керак. Бундай инсонларни эса фақат улдуғ муаллимлар тарбиялайди.

Хар бир дарс устозимиз учун нақадар маъсуляти эканлигини чин юракдан хис қилиб тураимиз. Устозларимизнинг ота-онамиздек меҳрибонлиги, хар биримизга алоҳида меҳр-муҳаббат билан ёндошиши қалбларимизни тўлқинлантириб юборади. Шу сабабли биз хар куни кадрон илм даргоҳимизга ошмакким. Касб байрамингиз мурабб бўлсин, азиз устозлар! Сиздек улдуғ инсонларнинг таълим-тарбиясини олган авлод дунёдаги энг бахтиёр авлоддир, дегим келади.

**Маржона ИСМАТОВА,**  
ЖИДУ қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи ўқувчиси

## «GLOBAL SAVDO FAYZ BUXARA» МЧЖ ВОШЛАНҶИЧ БАҶОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Бухоро вилояти Давлат техника назорати назорлиги инспекциясининг 28.09.2016 йилдаги №01-01/208-сонли буюртма хатига асосан инспекцияга тегишли бўлган 2009 йилда и/ч. ҳолати таъмирталаб (носоз), д/р 80 969 ОАА бўлган MATIZ BEST русеумли автотранспорт воситаси "Очиқ Аукцион" савдоларига чиқарилмоқда. Б/б — 2 160 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 01 ноябрь куни соат 11-00 да савдо ташкилотчининг савдолар залида бўлиб ўтади.

Ўқорилиги автотранспорт воситаси 2016 йил 01 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2016 йилнинг 07 ноябрь куни соат 11-00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин соат 18-00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Global Savdo Fayz Buxara" МЧЖнинг ЧЭКИ "Савдогарбанк" Бухоро филиалидаги ҳ/р: 20208000505017774001, МФО: 00112, ИНН: 302485226 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ. Манзил: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 12-уй. Телефон: (0365) 221-54-43.

## «Buxoro Best Realtor» масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шофиркон туман ҳокимининг 2016 йил 11 апрелдаги 281-сонли қарори ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 20 майдаги 102а-сонли буйруғига асосан Шофиркон тумани Қалмоқон МФЙ, Нағрўз кўчаси ҳудудидан якка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжаллаган 400,0 кв.метрдан иборат 2 та (8,9-сонли) ер участкаларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари такроран қўйилмоқда. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг хар бирининг бошланғич баҳоси 904 800 сўмдан.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 09-00 дан 18-00 гача (13-00 дан 14-00 гача тушлик, шанба ва яқшанба дам олиш кунлари) Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 12-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Буюртманомаларни қабул қилиш охириги мuddати 2016 йил 31 октябрь куни соат 18-00 да тўхтатилади.

Аукцион савдолари 2016 йил 01 ноябрь куни соат 12-00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй, 4-қаватдаги савдолар залида бўлиб ўтади.

Мазкур ер участкалари 2016 йил 01 ноябрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 08,15,22,29 ноябрь кунлари соат 12-00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдолари учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18-00 да тўхтатилади.

Аукцион қолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун мuddат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳақида олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юқлатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдориди закалат пуллари тўлашлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхасини, хоржий юридик шахслар — уларнинг уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хоржий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси, вақил иштирок этганда ишончнома тақдим этишлари сўралади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «BUXORO BEST REALTOR» масъулияти чекланган жамиятининг «Савдогарбанк» Бухоро филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ҳ/р: 20208000900483347001, МФО 00112, СТИР 303086230.

Қўшимча маълумотлар билан танишиш ва буюртманомаларни қабул қилиш манзили: Мустақиллик кўчаси 12-уй.

Телефон: (0365) 221 54 43 www.realtor-company.uz. Лицензия RL 0248



### ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# «АСАКА» БАНК

«Соғлом она ва бола йили» муносабати билан миллий валютада қуйидаги мuddатли янги омонат турини таклиф этади:

## «СОҶЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар хар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хоржий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!



### «Асака» банк сармоянгишнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz  
Хизматлар лицензияланган